



Туркистонда миллий-озодлик учун кураш икки боскичга бўлинади. Дастлабки боскич 1717 йилдан, яъни Хива хонлигининг рус ҳарбий қўлголар тўскинлик қилиши билан бошланди. Мустақиллик кенг ҳимоя қилинишининг бу боскичи, Туркистонни узил-кесил босиб олинишига қадар (III ва IV бобларда баён қилганимиз каби) Туркистон давлатлари қўшинлари томонидан ва дипломатия воситасида амалга оширилди.

Иккинчи боскич қайтадан озодликка эришиш учун кураш-Русия қўл остига ўтган ўлкаларда босқинчилар ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун ҳаракатдан бошланади. Бу йўналиш миллий сиймоларнинг майдонга чиқиши ва халқнинг фаол иштироки билан шаклланди ва «қўзғолонлар даври» сифатида қабул қилинади. Бу саъй-ҳаракатларнинг сабаби халқнинг рус ҳокимияти идора усуллари татбиқ этилишига ва умуман ёт мустамлакачиларга душманларча муносабат эди (Vambery, Centralasien, 2-6.: «Қирғизлар босқинчиларга қарши ғазабга келди, Қўқоннинг шимолий чегараларидаги ўзбеклар эса, ўруслар босқинини дунё охири бўлди, деб баҳолашар эди»). Туркистон азалдан ҳар қандай ёт қишлоқларнинг ҳокимиятига тоқат қила олмас ва ўзининг хур, эркин ҳаётини йўлга қўйишни истарди.

Шунинг учун қўзғолонга баҳона изланарди. Дастлабки қуролли қўзғолонлардан бири Сирим ботир раҳбарлигида 1783 -1797 йилларда Кичик Юзда бўлди. Байбақти уругидан бўлган Сиримга Ўрозбек ва Тиланчи каби уруг оқсоқоллари, ҳатто Кичик Юз хони Нуралининг биродари Айчувақлар ҳам қўшилди. Қўзғолончилар рус идора усулларига қарағидан ҳам ортиқча амал қиладиган Нуралихонга қарши қўтарилган эди. Рус ҳарбий

қисмлари хон тарафини олдилар. Натижада, руслар билан козок турклари орасидаги тўқнашувни четлаб ўтиш мумкин бўлмаган ҳолат вужудга келди. 1783 йил охирларида Сирим билан Чаганов бошчилигидаги казаклар ўртасида жанг бўлди. Чаганов асир олинди. Оқибатда кўзғолон янада кучайди. Кўзғолончилар Сағиз-уйил ва Темир дарёси атрофларини ишғол қилишди. Рус ҳукумати кўзғолонни қўшин воситасида бостира олмади. Шунинг учун Оренбург волиси барон Игелстром кўзғолончилар талабини бажаришда воситачилик қилди. У 1785 йили Нуралини Оренбургга чақирди ва у ердан Уфага жўнатди. Игелстром «халқ қурултойи» уюштиришга ҳаракат қилди. Сирим ҳам бу тадбирларга рози бўлди. 1785 йилда кичик юз козокларининг йигинини Оренбургда ташкил қилдилар. Бу йигинда янги хон сайланмади, балки Сирим бошчилигида «Ҳукумат шўроси» ҳосил қилинди. Руслар Кичик Юзнинг ички ишларига аралашмасликка ваъда бердилар.

1791 йили Оренбург волиси А.А.Неутлинг Нуралихоннинг биродари Эралини Кичик Юз хони қилиб тайинлади. Натижада русларга карши кўзғолон янгидан бошланди. 1792 йили Сирим Неутлингга миллат учун рус босмачиларга карши уруш эълон қилганини билдириб, хат йўллади(Вяткин, Очерки истории, 202-6.). Кўзғолончилар 1797 йилга қадар рус қўшинлари билан қурашиб келди. Русларнинг қўли баланд келмади. Аммо табиий офат козокларни қийнаб қўйди. 1796 - 1797 йил қишида катта офат - қўп қорамол ва туяларнинг қирилиб қетишига олиб келган ют юз берди. Бу қўчманчи халқнинг иқтисодий аҳолини ниятда оғирлаштириб юборди. 26 март 1797 йили Кичик Юз хони Эрали ҳам ўлдирилди. Рус ҳукумати энди янги хон сайламаслик ва унинг ўрнига «тахт шўбаси» ташкил қилишга қарор қилди. Султонлар Айчувоқ бошчилигидаги «тахт шўроси» сайладилар. Шуронинг олти аъзосидан ташқари рус маҳкамасининг вакили сифатида муфти Муҳаммад Хусайн (татар)га ҳам вазифа юкланди. 1797 йил августда шўронинг илк мажлиси бўлди. Бу мажлисда 1000 га яқин қуруллой одамлар эшлигида Сирим ҳам қатнашди ва халқнинг иқтисодий аҳоли оғирлашганлиги туфайли жангларни давом эттирилмаслигини ҳамда «тахт шўросини» эътироф қилишини қарор қилди(История Казахской ССР, 1, 294-6.). Сирим ботир 1802 йилгача Даштда қурашни давом эттирди. Уни на рус жаза отрядлари ва на хон қўлга тушира олмади. Унинг бундан кейинги тақдири номаълумдир(Асфендияров, История... 132-бетга биноан Сирим Султон Қоратойнинг буйруғи билан ўлдирилди. Вяткинга кўра (210-6) Сирим 1892 йили шахид ўлган ёки қочган бўлиши керак. Кўзғолоннинг тарқалиши ҳақида, Казак ССР тарихи, I, 1957, 303-313 бетда хабар берилади-ю, аммо Сиримнинг тақдири очик қолдирилган. Сирим ботир раҳбарлигидаги кўзғолон тафсилоти ҳақида қаранг. Рязанов, Сорок лет борьбы за национальную независимость казахского народа, ТОИК, С. VIII, №4, 1927 й., 5-83-6. Асфендияров, История... 127-133-6.).

1797 йилдан 1814 йилгача бўлган даврда султон Қоратой Кичик Юзда хонлиқни тиклаб, рус асоратидан қутулишга астойдил қиришди. Фақат бирон-бир натижага эриша олмади. 1816 йил апрелида шекти, жаппас, аргин ва алчин уруғлари Султон Арингазини Кичик Юз хони қилиб сайладилар. Арингази фуқарони шариат асослари бўйича идора қилишга қиришди. Бухоро амирлиги билан алоқа ўрнатди. Арингазининг бу ўз бошимчалиги ўрусларнинг қайфиятини бузди. Оқ подшо уни хон қилиб тайинламоқчи деган баҳона билан у Петербургга чақиртирилиб, Калугага сургун қилинди. Арингази шу ерда 1833 йили ўлди.

1811 йили руслар Илек дарёси бўйига бир қалъа қуриш учун бу ердаги козоклар ерларини мусодара қилишди. Бу тадбир ҳамда Арингазининг сургун қилиниши Кичик Юз

козок-турклари орасида норозилик кайфиятини тугдирди. Окибатда табин уруги бошчиси Жоламан Тиленчи рахбарлигида янги курулти кўзголон юзага келди. Рус ҳукумати кўзголонни бостиришни полковник Берг кўмондонлигидаги ҳарбий қисмга топширди. Берг бирор муваффақиятга эришолмагач, рус ҳукумати Циалковский бошчилигида яна бир ҳарбий қисм юборди. Дашт шароитидаги жанглар бирор натижа беришига кўзи етмаган руслар, асирларни озод қилиш масаласини ечиш учун армани савдогар А.Шахмировни Тиленчига юбордилар. Тиленчи элчига: «Мен қароқчи эмасман. Россия билан уруш ҳолатидаман. Босиб олинган ерлар қайтиб олинмагунча, рус қалъаларига ҳужумлар давом этаверади», - деди. 1824 йил февраль-март ойларида Урал қазак юзликлари атаман Назаров кўмондонлигида кўзголончиларга қарши қаттиқ ҳужумга ўтдилар. Бу ҳужумларга бардош бера олмаган Тиленчининг таслим бўлишдан ўзга чораси қолмади (Вяткин. Очерки истории, 225 - 226 б.).

Кичик Юз ва Бўкей ўрдасида 1836 йилга қадар бирмунча осойишталик ҳукм сурди. Ундан кейин бериш уруги раҳбари Исатой Тайман (1791 - 1838) бошчилигидаги кўзголон бошланди. Кўзголонга Бўкей ўрдаси хони Жаҳонгирнинг (1824 - 1825 йилларда ҳукмронлик қилган) қиликлари сабаб бўлди. У ўз ўрдаси халқи ичида эмас, русларнинг Астрахан вилоятида яшарди. Жаҳонгир жамоа ерларини ўзиники қилиб олиб, 6 млн десятина ердан 4 млн десятинасини ўз қишлоғига улашди. Ундан қолган ерларгина умумининг ихтиёрига берилди. Князь Юсупов ва граф Безбородскийларга Хазар денгизи қирғоқларидаги ерларнинг бир қисми-ни сотди, бир қисмини ҳадя қилди. Улар эса бу ердаги ўтлоқлардан фойдаланган қўчманчиларнинг ҳар бир ўтовидан 10 сўм, бир бош хайвон учун 10 тийин, хайвон еми учун 10 сўм солиқ талаб қилишди. Бу ҳам етмагандай рус ҳарбий қисмлари Урал дарёси атрофида қалъалар қуриш учун ўтлоқларни мусодара қилдилар. Жаҳонгирхон Кичик Юз султонлари вакиллари нозорат қилиш вазифасини ҳам бажарар эди.

Исатой «халқнинг турмуш кечирishi қийинлашиб қетганини билдириб», хонга ариз қилди (Ҳалил Достмухамбетулу. Исатай Муҳамбет, 1-қисм. - Тошкент: 1965, 20-б.). Бу ва бу каби шикоятларга хон парво қилмади. Исатой 600 киши имзолаган бир илтимосномани Оренбург волиси Петровскийга жўнатди. Жаҳонгир ўтлоқлар мусодарасига доир Исатой қилган шикоятларни рад этди. Шундан кейин Исатой 2000 қурулти одамлари билан Жаҳонгирга қарши юриди. Бундай баҳона қутиб юрган Оренбург волиси Исатой билан хон орасида музокара қилиш эҳтимолининг ҳам олдини олди. Исатой кўзголонини бостириш полковник Гекеснинг ҳарбий қисмига топширилди. Рус қисмлари ва Исатой одамлари орасидаги жанг 1837 йил 15 ноябрда Тостуба воҳасида бўлди. Исатой ҳамда унинг гоҳий устози шоир Муҳамбет Ўтемиш (1803 - 1846)нинг тарафдорлари русларга ва Бўкей ўрдаси хони Жаҳонгирга қарши шиддатли жанг қилдилар. Исатой «хон русларга сотилди» деган гап тарқатди. 1838 йил 12 июлда кўзголончилар ҳамда руслар орасида Окбулок дарёси бўйида сўнгги ва шиддатли жанг бўлди. Полковник Гекес жуда кўп қурбонларга сабаб бўлган тўпларни ишга туширди. Жангда Исатой шаҳид бўлди. Шу муносабат билан полковник Гекес Оренбург волисига: «Исатой қаҳрамонлигининг қурбони бўлди. Уни тирик қўлга туширолмаганимга ачинаман. Қочиб қетишини ўйлаб, уни тириклик қўлга тушириш ҳақида буйруқ бермадим» (Асфендияров. История, 138 - 139 б.), дейди. Исатойнинг қурашини дўсти Муҳамбет Ўтемиш давом эттирди. Аммо у қурулти билан эмас, балки шеърлари ва дўмбира жўрлигидаги турқулар билан маънавий қурашни давом эттирди. Доимо таъқиб остида яшаган Муҳамбет номаълум сабабларга қўра ҳаётдан кўз юмди. Исатой ва Муҳамбет Даштдаги қадимги афсонавий шахсларни

жонли равишда тикладилар ва окинлар шеърларининг асосий қаҳрамонлари бўлиб қолдилар (Достмухамбетулу («Исатай», 67 - 161 б.) Мухамбет ва бошқа шоирларнинг ҳар икки мужоҳид сиймолар ҳақидаги шеърларини нашр этди. Исатай бошчилигидаги кўзғолон ҳақида қуйидаги асарларга қаранг: Вяткин. Очерки истории, 257 - 262 б.: Асфендияров. История, 135 - 139 б. «История Казахской ССР» 1 ж., 336-бетда Мухамбет Султон Ойчуков буйруғи билан ўлдирилганлиги ёзилган. Исатай исёни ҳақида атрофлича маълумотни Рязановнинг «Восстание Исатай Тайманова (1836 - 1838)» асарида олиш мумкин. Исатай каттик ярадор бўлишига қарамай, жимгина таслим бўлишни хохламайди ва беш рус қазағи билан қиличбозлик қилади. Ўшанда Иван Богатиров деган қазақ уни бошини танасидан жудо қилади. Қаранг: Рязанов, Восстание, 95-96-98-б: «Оддий бир халқ фарзанди бўлган Исатой ботир бу халқ учун бутун ҳаётини қурашда ўтказди». Шўро тарихчилари Исатай исёнини деҳқонлар кўзғолони деб баҳоламоқда. Қаранг: Қозогистон ССР тарихи, 1, 349 - 357 б.).

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан